
Бағдодчи футбол жамоаси

Ҳабарингиз бор, бироздан сўнг Ўзбекистон биринчилиги Фарғона вилояти иккинчи лига мусобақасининг қолдирилган 5-тур ўйинлардан ўрин олган “Бағдодчи” ва “Пахтакор-2024” футбол жамоалари майдонда беллашишади.

Бағдод тумани ҳоқими Ғанижон Солиев туманимиз футбол жамоасини қўллаш мақсадида ўйиндан аввалги сўнги машғулотларни ўтаётган спортчилар билан суҳбат қурди. Уларга бағдодликларнинг катта ишончи борлигини таъкидлар экан - “Бағдодчи” жамоасининг ўтган йилги фаол иштироки ва бу йилги қўзланган олий натижаларига эришишда барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Бағдоднинг 2024-йилги юқори натижалари қаторида футболдаги ютуқларимиз ҳам бўлиши керак – деди туман ҳоқими.

Маълумот ўрнида: Шу кунги баҳс Бағдодчи жамоасининг 11-1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Бағдод тумани ҳоқимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)

2024-07-19 10:18:10